

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.
Tar.01.04 РАҚАМЛИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲИМОВА ГУЛЧЕҲРА СОБИРЖОНОВНА

**XX АСР 50-90 ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ САНОАТ
РИВОЖИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТГА ТАЪСИРИ**

07.00.01. – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Рахимова Гулчехра Собиржоновна

XX аср 50–90 йилларида Фарғона водийси саноат ривожининг экологик ҳолатга таъсири.....3

Рахимова Гулчехра Собиржоновна

Влияние промышленного развития на экологическое состояние Ферганской долины 50–90 годов XX века.23

Rakhimova Gulchekhra Sabirjanovna

The influence of industrial development on the ecological environment of the Fergana valley in 50–90 s of XX century.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.
Tar.01.04 РАҚАМЛИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲИМОВА ГУЛЧЕҲРА СОБИРЖОНОВНА

**XX АСР 50-90 ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ САНОАТ
РИВОЖИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТГА ТАЪСИРИ**

07.00.01. – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Таг193. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлар доктори

Расмий оппонентлар:

Обламурадов Наим Халилович
тарих фанлари доктори, профессор

Рахматиллаев Шавкат Муҳаммадалиевич
тарих фанлари номзоди., доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси)

А. А. Маврулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х. Э. Юнусова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Г.А. Агзамова
Илмий даражалар
берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари индустриал жамиятдан билимларга асосланган жамиятга ўтиши жараёнида, инсон ҳуқуқлари ва унинг эркинликларини турли хурожлардан ҳимоя қилиш, атроф-муҳит мусоффолигини, инсон саломатлиги, оналик ва болаликнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, оила ва жамиятда ёшларнинг экологик тарбиясини янада такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ер юзасида атроф-муҳит тозаллигини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик фожеаларни бартараф этиш учун кураш, табиий флора ва ҳайвонот оламини сақлаб қолиш билан боғлиқ муҳим ҳаётий муаммолар XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида ниҳоятда долзарб мавзулардан бири бўлиб қолди.

Экологик ҳалокатларни олдини олиш, атроф-муҳитнинг трасчегаравий ифлосланиш муаммосини ҳар томонлама ўрганиш, чиқиндилардан ичимлик сувлари ва атмосфера ҳавоси, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ҳамда тупроқ сифатини бузилишининг аҳоли саломатлигига салбий таъсири каби масалалар хорижнинг етакчи илмий марказлари, олий ўқув юртларида ўрганилмоқда. Бугунги кунда Қирғизистоннинг Андижон вилоятига чегарадош Мойлисой ҳудудида жойлашган радиоактив чиқиндилар омборининг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига таъсири, Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларида атмосфера, сув ресурслари, тупроқнинг ифлосланишига сабаб бўлаётган омилларнинг одамлар ҳаёти ва саломатлигига кўрсатётган таъсирини ўрганиш ва унинг самарали ечимини топиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам экологик хавфсизликни таъминлаш учун изчил институционал ва ташкилий чоралар кўриш, экологик меъёрларга риоя қилмасдан қурилган заводлар фаолияти минг йиллар давомида шаклланган экотизим бузилишига, аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот олами учун катта хавф туғилишига сабаб бўлганлигига барҳам бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини олдини олиш, одамлар яшашининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишини тубдан яхшилаш¹ масалаларининг кун тартибига кўйилиши, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора–тадбирларни амалга ошириш»² каби вазифаларнинг белгиланиши ҳам келажак тараққиётига таҳдид

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Тошкент: Адолат, 2017. –Б. 3-28.

² «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. IV йўналиш, 4.2 банди.<http://strategy.regulation.gov.uz/> 2017 йил 23 сентябрь.

солаётган кўплаб глобал экологик муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5018–сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ–5024–сонли «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий–ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср 50–90 йилларида Ўзбекистон саноати, иқтисодийнинг бир томонлама ривожланиши, турли ижтимоий, экологик муаммоларга оид бир қатор илмий адабиётлар мавжуд бўлиб, бу адабиётларни уч гуруҳга: совет ҳокимияти йилларида чоп этилган асарлар, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида нашр этилган адабиётлар, хорижда эълон қилинган адабиётларга бўлган ҳолда ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳга мансуб ишлар ҳақида шуни таъкидлаш керакки, тарихчи, иқтисодчи ва сиёсатчилар мавзуга оид бўлган масалалар юзасидан синфий-сиёсий ва мафкуравий тазйиқ остида тадқиқот олиб борганлар. Жумладан, М. Абдурахимов, Г. Абдусатторов, С. Ахмедов, В.Қорабоев, Н.Жураев, И. Ҳошимова, Шин Роза, С. Юлчибоев, М.Маматов, Ш.Пирматов ва бошқаларнинг асарларини киритиш мумкин. Бу гуруҳ адабиётларида совет мафкурасининг босими яққол сезилиб туради.

Мустақиллик йилларида нашр этилган, иккинчи гуруҳга мансуб адабиётларда С. Мехмонов, Н. Обламуродов, А.Раззоқов, Д. Бобожонова, С.Раупов, А. Хазратқулов, Б. Сиддиқов, Ш.Абдуллаев каби тадқиқотчилар томонидан, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ҳолис ва танқидий ёндошилиб, советлар давридаги Ўзбекистон халқ хўжалиги ва уни ривожлантириш хусусиятида маъмурий-буйруқбозлик тизимининг салбий оқибатлари ҳаққоний тадқиқ этилган.

Учинчи гуруҳ хорижий нашрлар бўлиб, Ўзбекистон, хусусан, Фарғона водийсининг совет ҳокимияти йилларида саноатлаштириш гирдобига тортилиши натижасида экологик тангликнинг юзага келиши, тупроқ, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, аҳоли саломатлигининг ёмонлашуви, болалар ўлим даражасининг ортиб бориши каби оқибатлари К. Бребия, В. Навдний, Л.Сомеди, Н.Сазоли, Е.Беяни, Е.Твеноч, Ф.Орси, А.Седдик ва бошқа

тадқиқотчилар³ томонидан таҳлил этилган. Бироқ бу асарларда айнан Фарғона водийси саноат тармоқлари алоҳида объект сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Кўқон давлат педагогика институтида «ERASMUS+» лойиҳаси доирасида ModelNED 561837 «Институт ва университетларда соғлиқни сақлашга оид фанларни модернизациялаш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX асрнинг 50–90 йилларида Фарғона водийси саноат ривожининг экологик ҳолатга таъсири, уларнинг сабаб ва оқибатларини илмий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўрганилаётган муаммонинг назарий ва концептуал асосларини очиб бериш;

совет давлатининг Ўзбекистонда олиб борган саноатлаштириш сиёсати ва унинг бир томонлама хусусиятини ўрганиш;

Фарғона водийсида барпо этилган саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги мавжуд муаммоларнинг ижтимоий–иқтисодий ҳаётга салбий таъсирини ёритиш;

Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида 1950–1990 йилларда фаолият кўрсатган саноат корхоналарининг моддий-техник аҳволини ўрганиш, уларнинг экологик мувозанатга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини таҳлил қилиш;

Фарғона водийси аҳолиси саломатлигида юзага келган муаммоларни ўрганиш ва ижтимоий муҳофаза тизимига оид ҳужжатларни таҳлил қилиш;

Фарғона водийсида оналик ва болалик саломатлигини асраш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасидаги экологик ҳаракатларнинг вужудга келиши омилларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

³ Brebbia C. Environmental problems in Coastal Regions VII. –Boston. Southampton. 2008.-P. 173; Novotny V, Somiyody L. Remediation and Management of Degraded River Basins. With Emphasis on Central and Eastern Europe. Budapest University. Springer.1996. –P. 523. Ionov V and others. Forms of International Cooperation in Environmental Education: the Experience of Saint Petersburg State University. International Cooperation and International Relations. Hamburg University. 2016. –P. 177; Sozolloso N. Environmental impact assessment basef on soil indicators. PhD dissertation. Thesis. Debrecen. 2014. Baranyai E. The assessment of urban air pollution by environmental analytical methods. Proposition of PhD thesis. Debrecen, 2015.-P. 124; Tweneboah, E. Coastal pollution and women’s health in Ada-Foah, Ghana. Women and Environments International 2003. –P. 16-18; National Development Planning Commission, Ghana Poverty Reduction Strategy 2003-2005. An agenda for growth and prosperity. Volume I: analysis and policy statement. Government of Ghana and National Development Planning Commission, Accra, Ghana. 2003; Ugochukwu. Nachhaltiges Umwelt management in der Region des Niger Delta in Nigeria: Auswirkungen der Verunreinigung durch Kohlenwasserstoffe auf die örtliche Wirtschaft. Cottbus, Germany. 2008; Tweneboah E. The role of environmental values and attitudes of ghanalan coastal women in natural resource management. PHD dissertation. Master of Philosophy. Born in Accra, Ghana. 2009. –P. 51; Orsi F. Restoring forest landscapes for nature conservation and human well-being: Advanced spatial decision support tools. University of Trento. 2010; Vanzo, P.A. Franklin and A.T. Silva Early careers on Eco hydraulics: challenges, opportunities and future directions. Journal of Eco hydraulics. University of Trento 2016; Environmental Freshwater Resources and Conflict: Case Studies From the Former Soviet Union Thomas Conrad Scott Lehigh University. 2015. –P. 65; Aslan Seddik. The Ferghana valley as a factor of instability. Proposition of PhD thesis. Bilkent University. 2016.-156 p.

Фарғона водийсида аҳолининг кимёвий корхоналар фаолиятига қарши олиб борилган норозилик ҳаракатларининг хусусиятини ўрганиш, аҳоли вакилларидан олинган интервью ва маълумотларни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1950-1990 йилларда Фарғона водийсида саноат қурилиши ва унинг бир томонлама хусусияти белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети Фарғона водийси саноат корхоналарининг экологик вазиятга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсири масалалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик, киёсий таҳлил, сўровнома, интервью каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диссертацияда Ўзбекистонда оғир саноат корхоналарининг тўлиқ битказилмай ишга туширилиши, Қўқон динамит, Андижон гидролиз, «Большевик» ҳарбий қурол ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг кимё корхоналарига айлантирилиши, саноат корхоналарининг эскирган жиҳозлар билан сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариши ҳамда зарарли чиқиндилар аҳоли яшаш жойлари яқинига ташлаб келинганлиги оқибатида экологик вазият ва аҳоли саломатлиги таназзул ёқасига келиб қолганлиги исботланган;

Наманган, Андижон ва Фарғона шаҳарлари пахта тозалаш, кимё заводларида чангни ушлаб қолувчи ускуналарнинг етишмаслиги, зарарли чиқиндиларнинг атроф-муҳитга тарқалиши оқибатида корхона ишчилари ва шаҳар аҳолиси орасида турли касалликларнинг кўпайиб кетганлиги исботланган;

Қўқон суперфосфат заводи чиқинди сувларининг ичимлик суви манбаи ҳисобланган Қипчоқариққа ташланиши натижасида, аҳоли орасида флюороз (тиш емирилиши) касаллигининг авж олиши, Қўқон янги кимё заводи чиқинди сувларининг ичимлик сувларига ташланиши чақалоқларнинг ногирон туғилишига, маҳаллий аҳоли ва чорва молларининг захарланишига сабаб бўлгани аниқланган;

Андижон гидролиз заводи чиқинди сувларининг Хўтанариққа ташланиши натижасида ичимлик суви ва атмосфера ифлосланиши қўшни давлатлар экологик ҳолатига ҳам таъсир этгани аниқланган;

кимёвий корхоналарнинг салбий таъсиридан азият чеккан аҳолининг Қўқон янги кимё, Андижон гидролиз, Наманган кимё заводлари фаолиятини тўхтатишни талаб этган норозилик ҳаракатлари таҳлил этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижаларидан XX аср 50–90 йилларида экологик муаммоларнинг сабаб ва оқибатларини кўрсатиш билан бирга, давлат инфратузилмаси ривожига экологик хизматлар яратиш, айрим жиҳатларини илмий ривожлантириш борасида самарали фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти даври тарихи бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда ушбу тадқиқот материалларининг фойдали жиҳатлари асосланган;

Ўзбекистон, хусусан, Фарғона водийси тарихи билан шуғулланаётган тадқиқотчилар, «Экология» таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалар ва магистрантлар учун махсус курс дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда, давлат органлари ва корхоналар иш фаолияти учун амалий тавсиялар тайёрлашда ушбу тадқиқот натижалари муҳим аҳамият касб этиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўп турдаги тарихий адабиётлар ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари тадқиқотларидан фойдаланилгани, экологик маданиятни ривожлантиришга оид янги принципиал қоидалар, норматив ҳужжатлар ҳамда жорий архив материаллари каби бирламчи манбаларга асослангани, тадқиқот натижалари, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар совет ҳокимияти давридаги саноат қурилишининг умумий хусусиятини англаб етиш ҳамда зарарли саноат корхоналари фаолияти натижасида юзага келган салбий оқибатлар бўйича маълумот олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, мазкур тадқиқот иши шаҳарсозлик, саноат қурилиши, ўлкашунослик ва экологик тарбия йўналишларида олиб бориладиган янги тадқиқотлар учун асос вазифасини бажаради. Шунингдек, диссертациянинг назарий хулосалари таълимнинг турли босқичларида таълим-тарбия жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср 50–90 йилларида Ўзбекистон, хусусан Фарғона водийси саноатининг экологик вазият ва унинг ижтимоий ҳаётга таъсири бўйича ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Андижон, Наманган, Фарғона ва Қўқон шаҳарларида жойлашган кимё корхоналари чиқиндиларидан сув, тупроқ ва атмосферани ифлосланиши, пахта тозалаш корхоналарида чанг ушлаб қолувчи ускуналарнинг етишмаслиги натижасида атроф-муҳитнинг бузилиши, аҳоли, айниқса ёш болаларни ногирон туғилиши сабаблари, аёллар ва ёш болалар ўлим даражасининг ортиб бориши, Андижон, Наманган вилоятининг Поп, Чуст ва Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳарларида кимё, пахта тозалаш корхоналари чанглари ва чиқиндиларидан аҳоли орасида турли касалликларнинг кўпайиб кетишига доир маълумотлардан Европа Иттифоқининг «ERASMUS+» лойиҳаси доирасида ModelHED 561837 бўлимида бажарилган «Институт ва университетларда соғлиқни сақлашга оид фанларни модернизациялаш» мавзусидаги грант лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 22 февралдаги № 89.03.817-сонли маълумотномаси). Бу атроф-муҳитнинг бузилиши олдини олишга, она ва бола саломатлиги муҳофазасига

доир маълумотларни таълим жараёнига интеграциялашда муҳим манба сифатида хизмат қилган.

Қўқон шаҳрида жойлашган пахта тозалаш, суперфосфат, нефтни қайта ишлаш корхоналари зарарли чиқиндиларининг аҳоли ичимлик сувига ташланиши ёш болалар орасида турли инфекцион касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлганлиги, Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Бувайда, Учкўприк туманларида зараркунанда ҳашоратларга қарши ишлатиладиган заҳарли дефолиантларнинг очик майдонларда қолдирилиши, шунингдек, заҳарли дефолиантларнинг аҳоли пунктларига яқин ерларга кўмилиши натижасида кишиларнинг кимёвий воситалардан заҳарланиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотлардан Ёшлар иттифоқининг «Экология ва саломатликни асраш» соҳасидаги тарғиботларини амалга оширишда татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг 2018 йил 17 мартдаги № 0412/1567-сонли далолатномаси). Қўлланилган натижалар орқали табиатни муҳофаза қилиш ишларига йўнатилтирилган тадбирларни амалга оширишда, тарқатма материаллар яратишда, телекўрсатувларни тайёрлашга, ёшларнинг экологик билимларини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика, 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шундан, 1 та ўқув-услубий кўлланма, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация иши 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Совет давлатининг Ўзбекистонда олиб борган саноатлаштириш сиёсати ва унда Фарғона водийсининг тутган ўрни» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда совет давлатининг саноатлаштириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги камчилик ва хатоликларининг экологик муаммоларни юзага келишига оид назарий

асослар, саноат ва қишлоқ хўжалиги тарихини ўрганишдаги анъанавий ёндашув масалалари таҳлил этилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистон иқтисодиёти, саноат корхоналари марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айланиб қолди. Иқтисодий негизи, ҳуқуқий асослари ва аҳоли манфаатларини ўйламасдан қабул қилинган қарорлар билан республикада жойлашган ва қурилаётган кўплаб корхоналар бевосита марказга бўйсундирилди. Корхоналар асосан, нефтни қайта ишлаш, пахта тозалаш, металлга ишлов бериш, қурилиш материаллари, кимё, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, республикани хом ашё етиштириб берувчи минтақага айлантирган эди. Барча саноат корхоналари марказ буйруғи асосида фаолият кўрсатиб келди.

Саноат корхоналарини барпо этиш халқнинг беҳисоб моддий ва жисмоний ҳаражатларини талаб қилди. Халқ хўжалигида қўлланилган усул экстенсив «тараққиёт» маҳсули бўлиб, у ўзида иқтисодий заруратни эмас, балки қатъий марказлашган маъмурий бошқаришни ва режали ривожланишни акс эттирди. Жумладан, режа йўналишларини ҳаракатга келтирувчи механизм бўлган давлат томонидан ажратилган маблағ (70 фоизгача) асосан оғир индустрия тармоқларига мўлжалланиб, бу оғир саноатда янги техникани, ишчи кучларини, малакали мутахассисларни жамлаш имконини берса ҳам, бироқ, саноат қувватларини ошириш экстенсив усуллар билан, яъни асосан янги саноат объектларини қуриш, шунингдек, ишлаб турган саноат объектларини қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш орқали амалга оширилди. Натижада, ҳарбий қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи корхоналар кўпроқ кимё саноат корхоналарига айлантирила бошланди.

Барча саноат корхоналарининг пахтачилик соҳасига боғланиши Ўзбекистоннинг иттифоқдош республикалар орасида асосий пахта базаси бўлиб қолишига олиб келди⁴. Натижада, республиканинг кўпгина ҳаётий манфаатларига зиён етказилди: пахта майдонлари йилдан-йилга кенгайиб, бошқа экинларларни бирин-кетин суриб чиқара бошлаши, илмий асосланган алмашлаб экиш тизимининг бузилиши, сув омборларининг кўплаб қурилиши, сув манбалари имкониятларининг қисқариши ва шу каби бошқа омиллар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Бундай шароитда ҳам пахтачилик ва ирригация қурилиши учун машиналар, шу жумладан, культиваторлар, ўғитлагичлар, чигит экиш сеялқалари, кўсак териш машиналари, экскаваторлар, бульдозерлар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган машинасозлик заводларини қайта қуриш ва янги Электромаш, Тошкентмаш, Тошсельмаш, Қўқонмаш, Наманганмаш заводларни яратиш юзасидан катта ишлар авж олдириб борилди⁵.

Ўзбекистонда саноат корхоналарининг 2/3 қисмини оғир саноат тармоқлари ташкил этиб, улар асосан, Тошкент, Фарғона водийси

⁴Born A. Uzbekistan: politics and foreigner policy. Royal Institute of International Affairs. – London, 1998. – P.23; Kandyohi D. Post-Soviet Institutional Design. NGOs and Rural Livelihoods in Uzbekistan. – Geneva: UNRISO, 2004. – P.107.

⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамликачилиги даврида... – Б. 503.

вилоятлари, Навоий ва Чирчиқ шаҳарлари тоғолди худудларига жойлаштирилди. Пахтачиликка ихтисослашган оғир саноат корхоналари орасида энг хавфли, лекин қишлоқ хўжалиги учун жуда зарур минерал ўғитлар, кимёвий дефолиантлари ишлаб чиқариш саноати ривожланди. 60 йилларга келиб, Ўзбекистонда 20 дан ортиқ кимёвий, пахта тозалаш, цемент, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари фаолият кўрсата бошлади. 1971–1975 йилларда Тошкент вилоятининг ўзида 64 та йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатди⁶. Булар кимё, нефт, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноат корхоналаридан иборат бўлиб, биргина кимёвий корхоналарнинг ўзида кимёвий воситаларнинг 30 турдан ортиқ тури ишлаб чиқарилар эди⁷. Бундан ташқари, Фарғона фуран бирикмалари кимё заводида 1946 йилда пахта линтидан целлюлоза ишлаб чиқариш йўлга қўйилган; Янгийўл биокимё (1952 йил), Андижон гидролиз (1953 йил) заводларида асосий хом ашё – чигит шелухаси, шולי қобиғидан техник этил спирти, Фарғона кимёвий толалар заводи 1959 йилда ацетат ишлар; «Навоийазот» 1974 йилда нитрон ва акрил толалари; «Фарғонаазот»да целлюлоза ацетати ишлаб чиқарилган⁸ ва кимёвий толаларнинг қарийб 2/3 қисми бир қатор чет мамлакатларга ҳам экспорт қилинган.

Бироқ, саноат корхоналарини жойлаштиришдаги хатоликлар, уларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда иқтисодий қонуниятларга асосланмаслик каби ҳолатлар жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Масалан, Фарғона шаҳрида жуда катта кимёвий заводлар қурилди. 60-йилларда Фарғонада табиий газ асосида ишлайдиган Фарғона азотли ўғитлар заводи ишга туширилди. Унда ғўза зараркунандаларига ва бегона ўтларга қарши ишлатиладиган кимёвий воситалар, ғўза баргини тўкишда ишлатиладиган дефолиантлар (бутифос, дуст) ишлаб чиқарилди. Корхонадан чиқадиган заҳарли, кимёвий чиқинди ва газлар атрофни ифлослантириб келган. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, ипак матолар ишлаб чиқариш, пиллачилик комбинатларидан чиқарилган чиқинди сувлар Катта Фарғона каналига ташланган. Натижада, Фарғонанинг Тошлоқ туманидаги ер ости сув ҳавзалари юзаси 3мм қалинликда нефть пардаси билан қопланган. 1986 йилда Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказилган текширувларда республикада атроф-муҳитга ҳавф келтирувчи саноат корхоналарини рўйхатга олишда улар қаторига Қувасой цемент комбинати, Қўқон янги кимё заводи, Қўқон силикат ғишт заводи ва Тошкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводлари киритилди⁹. Айниқса, республикада силикат ғишт, цемент заводлари атроф-муҳит ифлосланишида энг хавфли саноат корхоналар эканлиги тасдиқланган¹⁰.

⁶ Бабаджанова Д. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане. (70-е–середина 80-х гг.). Автореф. докт. истор. наук. –Ташкент, 1997. –С.23.

⁷ Пардаев Т. Химизация сельского хозяйства Узбекистана в 80-е годы: состояние и проблемы.. Автореф. канд. истор. наук. –Ташкент:1998. –С. 19.

⁸ Ўзбекистон миллий инциклопедияси. Тошкент. www.ziyouz.com кутубхонаси. 2018 йил январь.

⁹ ЎзР МДА. 2454-фонд, 6-рўйхат, 6281-иш, 281-варақ.

¹⁰ ЎзР МДА. 2454-фонд, 6-рўйхат, 6281-иш, 281-варақ

Диссертациянинг иккинчи боби «**Фарғона водийсида саноатлаштириш жараёнлари ва унинг экологик жихатлари**» деб номланган. Бунда Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида пахтани қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик машинасозлигининг ривожланиши, кўмир, рангли металлургия, кимё саноати, нефть қазилма¹¹, қурилиш моллари ишлаб чиқариш саноат корхоналарини ривожлантиришда олиб борилган ислохотларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларга, атроф-муҳит ва экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар таҳлил этилган.

Маъмурий-бўйруқбозлик тизими шароитида ўзбошимчалик билан ишлаб чиқариш кучларининг ривожлантирилиши ва жойлаштиришдаги нуқсонлар Ўзбекистондаги ижтимоий, экологик вазиятнинг ўта кескинлашувини юзага келтирди. Фарғона водийси аҳолиси зич, унумдор ерларга эга, бир неча ўн йиллар давомида мамлакатнинг рангли металл етказиб берувчи, кимёвий ўғитлар ишлаб чиқарувчи ва қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришга ихтисослаштирилган минтақа сифатида тан олинган¹². Фарғона водийси худудларига 1947 йилда Мойлисой худудида руда чиқиндилари омбори, Ленинобод тоғ-кимё комбинати, 1948 йилда Фарғона шаҳрида 6 та кимёвий саноат корхоналари¹³ фуран бирикмалари, азот ва ацетат ипак ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, 6 та пахта тозалаш¹⁴, Андижон гидролиз, Наманган кимё, Қўқон кимё, Қўқон суперфосфат заводлари жойлаштирилганди. 1960 йилга келиб кимё саноати корхоналари Фарғона, Андижон, Қува, Қўқон шаҳарларига жойлаштирилди¹⁵.

Фарғона водийсининг Қўқон шаҳрида аграр соҳага қаратилган қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш борасида «Электромаш», «Большевик», «Қўқонмаш» каби кўплаб заводлар қурилган. 1950 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи, силикат ғишт, оҳак, бетон заводлари, ёқилғи-қазилма саноати, нефтни сақлаш базаси, кимё саноати, Суперфосфат заводи, «Муззавод», пахта тозалаш, совун ва ёғ-мой заводларининг қурилиши, шаҳарнинг экологик вазияти кескин ўзгаришига, аҳоли орасида турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди¹⁶. Бундан ташқари, саноат корхоналарида техник ускуналарнинг етишмаслиги атроф-муҳитнинг ифлосланишига таъсир кўрсатди. Масалан, собиқ Қўқон динамит заводи 1950 йилда Қўқон суперфосфат кимё корхонасига мослаштирилган. Катта қувват асосида тўлиқ битмасдан ишга туширилган суперфосфат заводи кимёвий чиқинди сувларини яқин ариқлар, Қўқон шаҳри аҳоли ичимлик суви манбаи бўлган Қипчоқариққа ташланиши натижасида, аҳоли орасида турли касалликларнинг кўпайишига олиб келган. Жумладан, Қўқон шаҳри аҳолиси ва болалар орасида флюороз (тиш емирилиши), рахит (кальций етишмаслиги)

¹¹Бобождонова Д.Ўзбекистонда ижтимоий –иқтисодий муносабатлар. –Тошкент: Шарқ.1999. –Б.27.

¹² Кулданбаев Н, Шаршенова А.Гигиеническая оценка территорий рекреационных зон Ферганской долины. // Гигиена санитария. № 7.–Бишкек. 2015. –С. 22.

¹³ЎЗР МДА. 1612–фонд, 12–рўйхат, 1051–иш, 20–варак.

¹⁴ЎЗР МДА. 1612–фонд, 12–рўйхат, 1051–иш, 62–варак

¹⁵Гаевая Т, Писарева В. Экологическая ситуация в Узбекистане. 2017 йил 12 март. // http://www.igpi.ru/bibl/igpi_publ/uzb_eco.html.

¹⁶Ахунова А.История Коканда. –Тошкент. Фан. 1984. –Б. 144.

касалликларини келтириб чиқарди¹⁷. 1985 йилга келиб Қўқон суперфосфат заводи эски ускуналарни таъмирланмаганлиги, кимёвий воситалар билан доимий равишда ишлаб келиши, корхонани авария ҳолатига, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришига олиб келди¹⁸. Қўқон шаҳрида экологик фожеаларни келиб чиқишига, халқ норозилик ҳаракатларига сабаб бўлган Қўқон янги кимё заводи 1985 йилда бунёд этилган. Қўқон янги кимё корхонаси техник сульфит кислота маҳсулотларини ишлаб чиқарган. Корхона аҳоли ичимлик сувлари қатлами устига қурилгани, кимёвий чанг, кимёвий чиқиндиларнинг аҳоли ичимлик сувига аралашиб кетгани, унинг олдини олиш чоралари кўрилмагани натижасида Учкуприк тумани Қўқонбой қишлоғи аҳолиси орасида сувдан заҳарланиш, болаларнинг ногирон туғилиши, чорва молларининг нобуд бўлишига олиб келган. Қўқон шаҳридаги саноат корхоналари жуда зич ва шаҳар марказий кўчаларида жойлашгани оқибатида Қўқон шаҳри Ўзбекистондаги атроф-муҳити кўпроқ ифлосланган шаҳарлар қаторига киритилишига сабаб бўлди¹⁹. Республика бўйича сув ифлосланишининг 80 фоизи Фарғона, Қўқон шаҳарларида жойлашган саноат корхоналар чиқиндилари ҳисобига тўғри келган²⁰.

Саноатлаштиришда совет ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг Ўзбекистонда қўлланилишининг салбий таъсири Андижон вилоятида ҳам яққол кўзга ташланди. 1949 йилда Андижон вилоятига чегарадош Қирғизистоннинг Мойлисой худудида уран рудаси чиқиндилари кўмиладиган полигоннинг очилиши икки давлат экологик мувозанатига салбий таъсир этиб келди. 1953 йилда Андижонда фурфурол спирти ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Гидролиз заводи²¹, электродвигатель, металл-таъмир, пахта тозалаш, консерва заводлари ва мебель фабрикаси каби саноат корхоналар ишга туширилди²². Бундан ташқари, Андижон шаҳрининг ўзида 1968 йилда 15 дан ортиқ оғир саноат корхоналари ишга туширилган бўлсада, корхоналарнинг техник жиҳатдан таъминланиши паст бўлиб, ускуналар ва хавфсизлик техникалари талабга жавоб бермасди²³. Жумладан, Андижон 1, 2, 3-пахта тозалаш заводларида пахта тозалаш давомида чанг чиқиндиларини тутиб қолувчи фильтр ускуналар етишмаган, янги техник чанг ушлаб қолувчи ускуналар билан таъминланиш йилдан-йилга камайиб борган. Бу вилоятда 1971 йилдан 1976 йилгача бўлган даврда пахта тозалаш заводларининг техник ускуналар билан таъминланиши йилига 10 фоизга камайиб борган²⁴.

1980 йилга келиб, Андижон вилоятида айрим саноат корхоналари

¹⁷Эргашев А, Отабоев Ш, Шарипов Р, Эргашев Т.Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти. –Тошкент: Фан, 2009. –Б. 258.

¹⁸ Қўқон шаҳар ДА. 580–фонд, 1–рўйхат, 74–иш, 19–варак

¹⁹Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1991. –Б.185.

²⁰Эргашев А, Отабоев Ш ва бошқалар. Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти. –Тошкент: Фан, 2009. – Б. 265–116.

²¹ Андижон Био–кимё заводи. <http://www.spirit.uz/uz. 20. 04. 2017 й>.

²² Андижон вилоят ДА. 608–фонд, 2–рўйхат, 189–иш, 46–варак.

²³ Андижон вилоят ДА. 608–фонд, 2–рўйхат, 189–иш, 119–варак

²⁴ Андижон вилоят ДА. 642–фонд, 2–рўйхат, 164–иш, 8–варак

ишлаб чиқариш фаолиятида ўзгаришлар юз берди. Гидролиз, ғишт, электродвигатель заводларида ишчилар икки сменада ишлашга мажбур бўлди. Чунки, йиллар давомида таъмир талаб саноат корхоналарига эътибор берилмаслиги, моддий-техник базалар янгиланмаслиги, эскирган техник ускуналарнинг ишдан чиқиши, саноат корхоналарининг авария ҳолатига келиб қолиши фавқулодда ҳолатларни келтириб чиқарди¹. Корхона ишчилари авария ҳолатидан чўчиб, иш жараёнларини икки соатлик танаффус билан олиб борганлар. Вилоятнинг Жалолқудуқ, Бўз, Избоскан, Марҳамат туманларидаги саноат корхоналарида текширувлар давомида уларнинг 44 фоизигина янги техник ускуналар билан таъминлангани аниқланган². Андижоннинг энг экологик хавфли саноат корхонаси бўлган Андижон гидролиз заводи атмосферага 1986 йилда 736 тонна кимёвий чиқиндилар ташлагани, 1987 йилда эса бу кўрсаткич 2 бараварга ошганлиги аниқланган³. Андижон гидролиз заводининг атроф-муҳитга зарари шу даражада катта эдики, атмосферага 7 турдаги қаттиқ кимёвий модда чиқиндиларини⁴, ўздан 20 км наридаги каналга кимёвий чиқинди сувларини ташланиб келиши⁵, аҳоли ичимлик сувларида кимёвий чиқиндиларнинг ортиб бориши, ичимлик сувларининг истеъмолга яроқсизлиги каби ҳолатлар юз бера бошлади. 1988 йилда вилоят халқ нозирати органлари текширув таҳлилларига кўра, Андижон гидролиз заводи чиқинди сувларининг бир қисми Хўтанариққа, қолган қисми 22 километрлик ёпиқ зовур орқали Асакадаги махсус тозалаш майдонига ташланган. Тозалаш иншоотларининг йиллар давомида таъмирланмаслиги натижасида заҳарли чиқинди сувлар ер остига сўрилиб, Қорадарё ва Норин ер ости сувларини ифлосланишига сабаб бўлган⁶. Натижада аҳоли орасида ўткир ичак инфекцияси, сувдан заҳарланиш ва турли юқумли касалликлар билан оғриган беморлар сони ортиб борган⁷.

1989 йилги маълумотларга кўра, Андижон вилояти экологиясига кучли салбий таъсир этиб келаётган Андижон салқин ичимликлар корхонаси, мебель фабрикаси, пахта тозалаш заводи, асфальт ва бетон ишлаб чиқарувчи корхоналар, тикувчилик цехлари асосий зарар келтирувчи манбалар ҳисобланган⁸.

Наманган вилоятида 1946-1985 йилларда 2 та кимё, 25 та ишлаб чиқариш ва 20 та пахта тозалаш заводлари қурилиб, ишга туширилган⁹. Бу йилларда вилоятда тўлиқ техник ускуналар билан таъминланган бирорта ҳам корхона бўлмаганлиги оқибатида бундай корхоналардан чиққан турли заҳарли, кимёвий чиқиндилари аҳолига катта зарар келтирган. Бундан

¹ Андижон вилоят ДА. 644-фонд, 2-рўйхат, 303-иш, 4-варақ

² Андижон вилоят ДА. 608-фонд, 1-рўйхат, 201-иш, 86-варақ.

³ Андижон вилоят ДА. 644-фонд, 2-рўйхат, 646-иш, 7-варақ.

⁴ Андижон вилоят ДА. 644-фонд, 2-рўйхат, 646-иш, 18-варақ

⁵ Андижон вилоят ДА. 644-фонд, 2-рўйхат, 646-иш, 19-варақ

⁶ Ниёзов А. Табиат бешик. Совет Ўзбекистони. 1989 йил 3 июнь

⁷ Андижон вилоят ДА. 644-фонд, 2-рўйхат, 379-иш, 31-варақ

⁸ Андижон вилоят ДА. 644-фонд, 2-рўйхат, 646-иш, 42-варақ

⁹ Наманган вилоят ДА. 561-фонд, 1-рўйхат, 251-иш, 19-варақ

ташқари, Наманган вилоятида 1955 йилдан 1970 йилгача 17,5 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Вилоятнинг 24 минг гектар суғориладиган ерларини капитал текислаш учун маблағлар ажратилди, 21 минг гектардан ортиқ ерлар мелиорация қилинди¹ ва пахта далалари кимёвий ўғитлар билан тўйинтирилди. Кимёлаштириш ишлари 1970 йилларда 14 фоизга ўсиб², керагидан ортиқ фосфор, азот, пестицид ва гербицид кимёвий воситаларининг солиниши, ғўза баргини тўкиш, пахта зараркунандаларига қарши ишлатиладиган кимёвий–дефолиант моддаларни авиация йўли билан пуркалиши ҳаддан зиёд пахта майдонларида қўлланилди. 1980 йилларга келиб тупроқ сифати бузилиши оқибатида, пахта етиштиришда қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

Саноат корхоналарни кимёлаштиришнинг оқибатлари атроф-муҳит ва аҳоли ҳаётига хавф сола бошлади. 1972 йилда Наманган вилояти Чуст туманида кимёвий корхона чиқиндиларидан ичимлик сувларининг ифлосланиши оқибатида, 472 киши юқумли касалликларга чалинган³. Наманган вилоятининг Поп, Тўрақўрғон, Косонсой туманларида ҳам аҳвол қониқарли бўлмаган. Ичимлик суви таркибида кимёвий заҳарли моддаларнинг аниқланиши натижасида, туман сувларининг 50 фоизи ичишга яроқсиз бўлиб қолган⁴. Аҳоли орасида кўпроқ мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчилари орасида юқумли касалликлар билан оғриганлар сони тобора ортиб борган.

Чуст, Поп ва Наманган туманларида пахта тозалаш корхоналарида чанг тутгич филтрлар танқислиги ва тозалаш ускуналарининг таъмир талаблиги туфайли, чанглар атмосферага назоратсиз чиқариб юборилиши нафақат ишчиларнинг саломатлигига балки, атмосфера ҳавоси, атроф-муҳитга ҳам салбий таъсир этиб келган. Айниқса, Чортоқ пахта тозалаш заводининг санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги ва атмосферага зарарли газлар чиқариши ўта юқори даражада эканлиги аниқланган⁵. Наманган вилояти саноат корхоналаридан ер, сув ва ҳавонинг ифлосланиши аҳоли, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига салбий таъсир этган. Саноат корхоналаридан чиқаётган зарарли чиқиндиларнинг яқин сой ва каналларга оқизилиши, атмосферага заҳарли газ ва чанг тарқалиши, корхоналарда янги техник ускуналарнинг йўқлиги Наманган вилоятининг ижтимоий, экологик ҳолатини кескинлаштирди.

XX асрнинг 70-йилларига келиб, Ўзбекистон саноат корхоналарининг техник таъминоти учун маблағлар ажратиш бўйича қарорлар қабул қилинди. Лекин, белгиланган режаларни амалга оширишда ижобий ҳолат бўлмади, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш тобора кўпайиб, озиқ-овқат танқислиги кучайиб борди. Тупроқ сифатининг бузилиши, сувлар

¹ Қосимов Й. Наманган вилоятининг суғорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.110.

² Экономические проблемы комплексной программы «хлопок». Академический наук УзССР. –Ташкент: Фан, 1984. –С. 207.

³ Наманган вилоят ДА. 561–фонд, 1–рўйхат, 254–иш, 234–варак

⁴ Наманган вилоят ДА. 561–фонд, 1–рўйхат, 254–иш, 235–варак

⁵ Наманган вилоят ДА. 561–фонд, 1–рўйхат, 251–иш, 9–варак

таркибининг ёмонлашуви, аҳоли ва табиат ўсимликларидаги касалликлар Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларига салбий таъсир кўрсата бошлади. Турғунлик даврида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръати тобора пасайиб борди, ҳаёт ва турмуш кўрсаткичлари эса иложи борича кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш орқали бўрттирилди.

Фарғона водийсида 1980 йилларда пахта далаларига кимёвий ўғитлар, пахта зараркунандаларига қарши дефолиантларни авиация ёрдамида пуркаш кескин оширилган. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, уни нобуд қилмасдан териб олиш фақат кимёвий воситаларга боғланиб қолганди. Кимёвий корхоналар ва улар ишлаб чиқарган химикатларнинг ортиб бориши экологик ҳолатни янада бузилишига олиб келди. Корхоналардан чиқаётган кимёвий газлар, захарли чанг атмосферага, ишлаб чиқариш дастгоҳларининг оқовалари эса яқин ариқ ва каналларга ташланди. Корхоналарнинг фойдасидан кўра зарари ортиб борди. Фарғона водийсидаги пахта етиштириш борасидаги оғир мажбуриятлар, кимёлаштириш ишлари Сирдарёнинг кимёвий моддалар билан ифлосланишини ҳам кескин ошириб юборди¹.

